

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Х У К М

2022 йил апрель ойининг 12 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья А.А.Мухиддинов,
судья ёрдамчиси А.Айтбаевнинг котиблигида,
тарафлардан: Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчиси Ш.Шомирзаев, судланувчи И.Зулфикаров ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Раҳманов, судланувчи С.Сафаров ва унинг ҳимоячиси адвокат И.Жумакулов, жабрланувчи Х.Мардановнинг иштирокида, Зулфикаров Илхом Акром ўғли ва Сафаров Сарвар Илём ўғлига нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

2002 йил 24 июнь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумотга эга эмас, оилали, икки нафар фарзанди бор, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, Т.Малик кўчаси, 123-уйда яшовчи, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 2022 йил 7 февраль кунидан 8 февраль кунига қадар ушлаб турилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган, Зулфикаров Илхом Акром ўғли (ZULFIKAROV ILXOM AKROM O'G'LI)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган;

2003 йил 7 июль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳри, А.Навоий кўчаси, 148-уйда яшовчи, иш бўйича “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси қўлланилган, ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 2022 йил 7 февраль кунидан 8 февраль кунига қадар ушлаб турилган, айблов ҳулосаси



нусхасини ўз вақтида олган, Сафаров Сарвар
Илёс ўғли (SAFAROV SARVAR ILYOS O'G'LI)

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми
“в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг
кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб
чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Зулфикаров Илхом Акром ўғли жиноий
шериги Сафаров Сарвар Илёс ўғли билан ўзганинг мулкани
яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида олдиндан
жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2022 йил 6 февраль
куни соат 04:00ларда Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида
жойлашган қурилиш ишлари олиб борилаётган объектнинг
ҳовлисига турган Марданов Хужамурот Жўраевичга тегишли
бўлган баҳоси 1.500.000 сўмга тенг 3 ўрамдаги металл
симларнинг қаровсиз қолдирилганидан фойдаланиб, металл
симларни ўғирлаб олишиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Судланувчи И.Зулфикаров суд мажлисида айбига тўлиқ
иқроор бўлиб, 2022 йилнинг 6 февраль куни эрталаб соат
04:00ларда таниши Сафаров Сарвар билан унинг
бошқарувида бўлган “Москвич” русумли автомашинасида
Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида жойлашган қурилиш
ишлари олиб борилаётган уй олдида турган металлдан
ишланган симларнинг турганлигини кўришиб, ҳеч кимга
тегишли эмас деб ўйлаб, у ердаги уч ўрамга ўралган
симларни шериги С.Сафаров билан автомашинага юклагани,
улар юклаган вақтларида ҳеч ким бўлмагани, сўнг ушбу
симларни С.Сафаров билан автомашинанинг юкхонасига
юклаб, яшаш манзили Зангиота туманида жойлашган уйига
автомашинада кетишгани, тергов даврида жабрланувчи
Х.Мардоновга 3 ўрамдаги симлар қайтарилгани,
қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгилроқ жазо
тайинлашни сўради.

Судланувчи С.Сафаров суд мажлисида айбига тўлиқ
иқроор бўлиб, у Тошкент шаҳрида картон қоғозлари ва темир
буюмларни йиғиш билан шуғулланиб келиши, 2022 йил 6
февраль куни соат 04:00ларда таниши Зулфикаров Илхом
билан унинг бошқарувида бўлган “Москвич” русумли
автомашинасида Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида
жойлашган қурилиш ишлари олиб борилаётган уй олдида
турган металлдан ишланган симларнинг турганлигини



кўришиб, ҳеч кимга тегишли эмас деб ўйлашиб, симларни шериги И.Зулфикаров билан автомашинага юклашиб, олиб кетишгани, тергов даврида жабрланувчи Х.Мардоновга 3 ўрамдаги симлар қайтарилгани, қилмишидан пушаймонлигини билдириб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи И.Зулфикаров ва С.Сафаровлар эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлсаларда, уларнинг айби суд мажлисида текширилган ва тўпланган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз исботини топади.

Жумладан, жабрланувчи Х.Марданов суд мажлисида, Тошкент шаҳрида 2021 йил ноябрь куни ишлаш мақсадида келгани ва у ерда Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида жойлашган уйга қурувчи бўлиб ишлаб келаётгани, ушбу жой қурилиши пастки ертўла қисмидан бошланганлиги ва унга ишлатиладиган қурилиш молларининг ҳаммасини кўча томонда қолдиргани, уларга қурилиш учун уйни эгаси нархи 1.500.000 сўмлик қурилишда ишлатиладиган металл симларни олиб бергани ва бу симларнинг қурилиш объектининг ҳовли қисмида қолдиришгани, 2022 йил 6 февраль куни эрталаб туриб қараганида қурилиш учун ишлатиладиган симларнинг йўқлигини кўргани ва ушбу ҳолатни у билан бирга ишлаб келаётган бошқа усталардан сўраб суриштириб топа олмагани, сўнгра бу симларни очиқ холда қаровсиз қолдирилганидан фойдаланиб кейинчалик маълум бўлишича И.Зулфикаров ва С.Сафаровлар ўғирлаб кетишганлигини билгани, тергов даврида унга 3 ўрамдаги симлар қайтарилгани, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги кўрсатуви билан;

бундан ташқари, судланувчи И.Зулфикаров ва С.Сафаровларнинг айби билдирги, ариза, тушунтириш хатлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова, чизмаси, ашёвий далилни олиш баённомаси, ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Зулфикаровнинг *“ўғирлик, яъни жиноий шериги С.Сафаров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи Х.Мардановнинг 1.500.000 сўм бўлган 3 ўрам металл симларини яширин равишда талон-торож қилиш”*да ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Сафаровнинг “ўзирлик, яъни жиноий шериги И.Зулфикаров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жабрланувчи Х.Мардановнинг 1.500.000 сўм бўлган 3 ўрам металл симларини яширин равишда талон-тороғ қилиш”да ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Зулфикаровга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи С.Сафаровга нисбатан жазо тайинлашда унинг вояга етмаганлигини, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандига кўра “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтирилган.

Шу сабабли, суд судланувчи И.Зулфикаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси



йўқлигини инбатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи С.Сафаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, унинг вояга етмаганлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инбатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Зулфикаров Илхом Ақром ўғли (ZULFIKAROV ILXOM AKROM O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Зулфикаров Илхом Ақром ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Зулфикаров Илхом Ақром ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг 2022 йил 7 февраль кунидан 8 февраль қадар ВСХда сақланган 2 кун вақти тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатидан чегириб ташланиб, ўташ учун иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 (ўн бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ИИО томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилсин.



Жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

И.Зулфикаровга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

И.Зулфикаровга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Сафаров Сарвар Илёс ўғли (SAFAROV SARVAR ILYOS O'G'LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Сафаров Сарвар Илёс ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Сафаров Сарвар Илёс ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида унинг 2022 йил 7 февраль кунидан 8 февраль қадар ВСХда сақланган 2 кун вақти тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддатидан чегириб ташланиб, ўташ учун иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 11 (ўн бир) ой 24 (йигирма тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо ИИО томонидан белгилаб берилган жойларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати жазолар ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойда маҳкум иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини таъминлаш Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

С.Сафаровга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.



С.Сафаровга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчилар томонидан ўғирлик жинояти натижасида жабрланувчи Х.Мардановга етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.А.Мухиддинов

Нусхаси аслига тўғри:

Маъсул судья: Мухиддинов Абдуллажон Акрамжон ўғли

